

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ


ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИҢ

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКИС 2021 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАҚАЛПАҚСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 3 (52)

2021

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

Учредитель и издатель: Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Главный редактор: доктор технических наук РЕЙМОВ А. М.

Заместитель главного редактора: доктор географических наук ТУРДЫМАМБЕТОВ И.Р.

Ответственный редактор журнала: ТУРСЫНМУРАТОВ М.

Редакционная коллегия:

АБДИНАЗИМОВ Ш. – проф., доктор филологических наук, АБДУЛЛАЕВА М.Н. – доктор философских наук, АЛЕУОВ У. – проф., доктор педагогических наук, АЛЛАМБЕРГЕНОВ К. – проф., доктор филологических наук, АМЕТОВ Я. – доц., доктор биологических наук, АСЕНОВ Г. – проф., доктор биологических наук, БАЙМАНОВ К. – проф., доктор технических наук, БАЛЛИЕВА Р. – доктор исторических наук, БАБАДЖАНОВ Ф. – доц., кандидат филологических наук, БЕРДИМУРАТОВА А. – проф., доктор философских наук, ЕРКИБАЕВА Г.Г. – доктор педагогических наук, ЖАРИМБЕТОВ К. – проф., доктор филологических наук, ЖОЛЛЫБЕКОВ Б. – проф., доктор географических наук, ЖУМАНОВ М.А. – проф., доктор биологических наук, ИБРАГИМОВ М.Ю. – доктор сельскохозяйственных наук, ИСМАЙЛОВ К.А. – проф., доктор физико-математических наук, КОЩАНОВ Б. – проф., доктор исторических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К. – проф., доктор физико-математических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ М.С. – проф., доктор филологических наук, КУТЫБАЕВА Е. – проф., доктор юридических наук, КАЙЫПБЕРГЕНОВ Б.Т. – доктор технических наук, МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М. – проф., доктор биологических наук, МАМБЕТНАЗАРОВ Б.С. – проф., доктор сельскохозяйственных наук, МАТКУРБАНОВ Р. – доктор юридических наук, МАТЧАНОВ А.Т. – проф., доктор биологических наук, МУМИНОВ Ф.А. – проф., доктор филологических наук, РЕЙМОВА З.А. – проф., доктор юридических наук, РУЗИЕВ Э. – проф., доктор педагогических наук, ТАГАЕВ М.Б. – проф., доктор технических наук, ТИЛЕУМУРАТОВ Г. – доц., кандидат филологических наук, УБАЙДУЛЛАЕВ Х. – проф., доктор экономических наук, УТЕБАЕВ Д. – доц., доктор физико-математических наук, УТЕУЛИЕВ Н.У. – проф., доктор физико-математических наук, УРАЗЫМБЕТОВ К.К. – проф., доктор филологических наук, УМАРОВА К. – доктор юридических наук, ХВАН Л.Б. – проф., кандидат педагогических наук, ХОЖАНИЯЗОВ Г.Х. – кандидат исторических наук, ХИКМАТОВ Ф. – проф., доктор географических наук.

Журнал издается с 2008 года

Выходит 4 раза в год на каракалпакском, узбекском, русском и английском языках

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, ул. Ч. Абдилова, 1.

Телефон: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Редактор: Машарипова Т. Ж.

Корректор: Кайыпова Ф.Ж.

Компьютерная верстка: Сейдабуллаева Ф.

«Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха» Постановлениями Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5; 23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6) включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, для публикации основных научных результатов докторских диссертаций по

научным направлениям История, Философия, Филология, Юридика, Педагогика, Психология, Экономика, Политология, Исламоведение.

Сдано в набор 03. 09. 2021. Подписано к печати 20. 09. 2021. Формат бумаги 60x84 1/8. Печать офсетная. Бум. л. 30,1. Уч.-изд. л. 20. Тираж 300. Цена договорная.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха. г.Нукус, ул. Ч. Абдирова,1 Журнал зарегистрирован Каракалпакским агентством печати и информации. Регистрационный номер №01-051 от 31 октября 2008 г.

Отпечатано в ООО «GOLDEN PRINT NUKUS». г. Нукус, ул. Н. Сараева 1.

© Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха

Founder and publisher: Karakalpak State University named after Berdakh

Editor in Chief: Doctor of Technical Sciences REYMOV A. M.

Deputy Editor-in-Chief: Doctor of Geographical Sciences TURDYMAMBETOV I.R.

Responsible editor of the periodical: TURSUNMURATOV M.

Editorial team:

ABDINAZIMOV Sh. – Prof., Doctor of Philology, ABDULLAEVA M.N. – Doctor of Philosophy, ALEUOV U. – Prof., Doctor of Pedagogical Sciences, ALLAMBERGENOV K.– Prof., Doctor of Philology, AMETOV I. - Associate Professor, Doctor of Biological Sciences, ASENOV G. – Prof., Doctor of Biological Sciences, BAYMANOV K. - Prof., Doctor of Technical Sciences, BALLIEVA R. – Doctor of Historical Sciences, BABAJANOV F. – Docent, PhD of Philological Sciences, BERDIMURATOV A. – Prof., Doctor of Philosophy, ERKIBAEVA G. G. – Doctor of Pedagogical Sciences, ZHARIMBETOV K. – Prof., Doctor of Philology, ZHOLLYBEKOV B.– Prof., Doctor of Geography, ZHUMANOV M.A. –Prof., Doctor of Biological Sciences, IBRAHIMOV M.YU. – Doctor of Agricultural Sciences, ISMAYLOV K.A. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, KOSCHANOV B. – prof., Doctor of historical sciences, KUDAYBERGENOV KK – Prof., Doctor of Physical and Mathematical Sciences, KUDAYBERGENOV M.S. – prof. Doctor of Philology, KUTYBAEVA E. – Prof., Doctor of Law, KAYPBERGENOV B.T. – Doctor of Technical Sciences, MAMBETULAEVA S.M. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MAMBETNAZAROV B.S. – Prof., Doctor of Agricultural Sciences, MATKURBANOV R. – Doctor of Law, MATCHANOV A.T. – Prof., Doctor of Biological Sciences, MUMINOV F.A. – prof., Doctor of philological sciences, REIMOVA.Z.A. - Prof., Doctor of Law, RUZIEV E. – prof., Doctor of pedagogical sciences, TAGAYEV M.B. – prof., Doctor of technical sciences, TILEUMURATOV G. - Assoc., Candidate of Philological Sciences, UBAYDULLAYEV H. – prof., Doctor of economics, UTEBAEV D. - Assoc. Doctor of Physical and Mathematical Sciences, UTEULIEV N.U. – prof., Doctor of physical and mathematical sciences, URAZYMBETOV K.K. – Prof., Doctor of Philology, UMAROVA K. – Doctor of Law, KHAMIDOV Kh. – Academician, Doctor of Philology, KhVAN L.B. – prof., PhD of pedagogical sciences, HOZHANIYAZOV G. – PhD of historical sciences, KhIKMATOV F.– prof., Doctor of geographical sciences.

Periodical has been published since 2008

Issued 4 times a year in Karakalpak, Uzbek, Russian and English

Editorial address: 230100, Nukus, st. Ch. Abdirov, 1.

Phone: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Editor: Masharipova T. Zh.

Proofreader: Kayipova F.Zh.

Computer layout: F. Seydabullaeva

"The Herald of Karakalpak State University named after Berdakh" is included in a list of scientific publications recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of the Minister of the Republic of Uzbekistan for the publication of the main scientific results of doctoral dissertations in scientific areas History, Philosophy, Philology, Law, Pedagogy, Psychology, Economy, Political Science, Islamic Studies, by decrees of the Presidium of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015 г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5; 23.12.2016 г., №232/5; 29.12.2016 г., №233/4; 29.03.2017 г., №239/5; 29.08.2017 г., №241/8; 28.12.2017 г., №247/6).

Delivered to the set 03. 09. 2021. Signed for printing 20. 09. 2021. Paper size 60x84 1/8. Offset printing. Paper sheet 30,1. Edu.pub. sheet 20. Circulation 300. Price is negotiable.

Karakalpak State University. Berdah Nukus, st. Ch. Abdirova, 1

The periodical is registered by the Karakalpak Press and Information Agency.

Registration number №01-051 from October 31, 2008

Printed by «GOLDEN PRINT NUKUS» Ltd. Nukus, st. N. Sarayeva 1

© Herald of Karakalpak State University named after Berdakh

ИРФОНИЙ БИЛИМЛАР РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Исақова З. Р.

Наманган давлат университети

Кириш (Introduction). Ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ривож ва тараққиётида унинг келажagini белгилашда маърифий, маънавий, тарихий меросга эътибор қаратилади. Буюк тарих, юксак маънавий мерос фаровон келажак учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”даги устувор йўналишлар тизимида маънавий меросга эътибор янгича муносабатни талаб этди. Шу маънода, ирфон ва унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни масаласига ижтимоий - гуманитар фанлар соҳасида тадқиқот ишларини миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги асосида илмий ёндашилдики, комил инсон бўлишқалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби альтруистик, олийжаноб фазилатлар Шарқ фалсафий тафаккурининг негизини ташкил қилади.

Мавзуга оид адабиётлар ҳаили (Literature review). X-XIII асрларда яшаган мутасаввифларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари қўлёзма асарларда баён этилган. Мутафаккирларнинг ижоди, таълимотларининг айрим жиҳатлари соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари, набийлик ва валийлик парадигмаси масалаларини ёритишда шарқшунос олимларнинг фундаментал тадқиқотлари, жумладан, Э.Бертельс, А.Кныш, Р.Никольсон, И.Петрушевский, М.Массигнон, Ж.С.Тримингэмнинг монографиялари муҳим методологик асос бўлди. Хорижий мутахассис олимлар томонидан тасаввуфнинг фалсафий жиҳатлари, ирфоний билимлар ривожининг генезиси тарқат, ҳол, мақомот ҳақида М.Степанянц, Б.Радтке, А.Арберри, А.Гўлпинорли, А.Афлокий, У.Турар, А.Зарринқўб каби олимлар томонидан олиб борилган монографиккиҳатлар маълум даражада мавзу доирасидаги ирфоний билиш гносеологияси тадқиқига доир муаммоларни очиб беришда муҳимдир. МДХ мамлакатлари олимлари А.Кныш, М.Мухаммедходжаев, А.Смирнов, Е.Фролова, А.Хисматулин тадқиқотларида тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таълими, жумладан, тасаввуф онтологияси, гносеологияси, комил инсон ҳоли турли аспектда таҳлил этилган. М.Мухаммедходжаев тасаввуф гносеологиясининг фалсафий асосларини тадқиқ этган бўлса, Е.Фролова араб-ислом фалсафаси тарихи ва гносеологик аспектларини ўрганган. А.Смирнов Ибн Арабийнинг “Фусус ал-хикам” асарини парадигматик таҳлил этган. А.Кныш тариқатларининг ривожланиш тенденциялари, хусусиятлари ва тарихини ўрганган. А.Хисматулин Абу Ҳомид Ғаззолийнинг асарларини таржима қилиб, шарҳ ва изоҳлар билан бойитган. Юртимиз олимлари И.Мўминов, М.Болтаев, М.Хайруллаев, Ҳ.Аликулов, Р.Носиров, Б.Тураев, Қ.Назаров, Ш.Мадаева томонидан Шарқ фалсафаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган.

Истиқлол йилларида тасаввуф ва тариқатлар тарихи йўналиши доирасида махсус тадқиқотлар олиб борилган. Н.Комиловнинг тасаввуф ва тариқатларнинг тадрижий ривож, тасаввуф истилоҳларининг ирфоний моҳияти, Г.Наврўзованинг тариқатлар ривожда нақшбандия тариқатининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, Р.Шодиевнинг Марказий Осиё тасаввуфий таълимотлар генезиси таҳлими, О.Шарипованинг Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг ахлоқий-фалсафий қарашлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, Ж.Холмўминовнинг тасаввуф фалсафасининг келиб чиқиши ва “вахдат ул-вужуд” таълимотининг нақшбандия тариқатига таъсири, Г.Юнусованинг қодирийлик тариқати маънавий меросида инсон моҳиятини фалсафий таҳлими, Б.Номозовнинг Мухаммад Порсонинг тасаввуфий қарашларининг фалсафий асосларини тадқиқ этиш борасидаги тадқиқотлари диссертациянинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши учун муайян даражада хизмат қилди. Мавзу доирасидаги тасаввуф истилоҳлари генезисига доир муаммоларни тадқиқ этишда А.Ш.Жўзжоний, А.Мухаммедходжаев, М.Степанянцнинг тасаввуфга доир асарлари методологик аҳамиятга эга бўлди [1.].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқотнинг услубий асосини илмий билишнинг объективлик (холислик), тарихийлик, мантқийлик, ворисийлик, системалилик, герменевтика, интерпретация, киёсий таҳлил усуллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ирфоний билимлар, бир тарафдан, диний билимларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, динда диннинг моҳиятини ифодалайди. Дин билан ирфон илми муҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл муносабатлари каби мураккаб ва бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳодиса, яъни ислом дини минг йилдан ортиқ тарихи давомида мусулмон халқларнинг иймон-эътиқоди билан бирга ҳаёт ва тафаккур тарзи, маънавиятининг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга, ирфон ҳам асрлар оша динни фаоллаштирувчи, жонлантирувчи функцияни бажарган. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида ислом динининг тарқалиши, бошқа дин вакилларининг ислом динини қабул қилишининг асосий воситаси ҳам ислом динининг илоҳсеварлик моҳиятини акс эттирган ирфон, ислом

дини ақидаларини ҳаётининг мазмунига айлантирган ирфон аҳли ҳамда Куръон оятлари, ҳадис ҳикматлари ва тасаввуфий ғоялар сингдирилган ҳаётбахш ирфоний адабиётлардир.

Ирфон илмиқадимдан турли шакл ва номлар билан аталиб, ихвётшунослик ва диний манбаларда турлича тажн этилган. Теизм тизимида ирфон орифнинг Худо билан васли тарзида намоён бўлиб, бу боғланиш объектнинг иродаси билан амалга ошади.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожда ақлий ва руҳий йўналиш ўзига хос бўлиб, ақлий йўналишда ирфоний билимлар инсон билишининг олий даражаси сифатида қаралган. Руҳий йўналишда руҳий билиш, маънавий камолот, ахлоқий поклик масалалари етакчи бўлиб, фалсафий атамалар мушоҳада ва руҳият мезони, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, инсон ақл-заковати, хислатлари қиёсий тадқиқ этилган.

Шарқ фалсафий тафаккури ривожда ирфоний билимларнинг тадрижий (эволюцион) камолоти қуйидагича акс этган: X асрдан ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида “барча илмларни камраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф шаклланиб, тараққий этган ҳамда XIII асрда ривожланиш чўққисига етган [2.13.] ва Шарқ фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Ирфон илми ривожда аввал ўз-ўзини тарбиялаш (X-XI асрлар) орқали, кейинчалик шайх ёки пир воситасида (XII-XIII асрлар) ахлоқий фазилатларга эришилган [3.22.].

X-XIII асрларда Шарқ фалсафий тафаккури икки йўналишда тараққий этган. Биринчиси, рационал (ақлий) йўналиш бўлиб, Абу Наср Форобий (ваф. 950 й.), Абу Али ибн Сино (ваф. 1037 й.), Ибн Туфайл (ваф. 1185 й.), Фахриддин Розий (ваф. 1209 й.), Носириддин Тусий (ваф. 1274 й.) каби мутафаккирлар тасаввуфни ўрганиб, ирфоний билимларни инсон билишининг олий даражаси сифатида кўрсатишган.

Иккинчи, иррационал (руҳий) жабхага Абу Бакр Колободий (ваф. 995 й.), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1167 й.), Сулаймон Боқирғоний (XII аср), Шайх Нажмиддин Кубро (ваф. 1221 й.), Яхё Сухравардий (ваф. 1191 й.), Айн ул-қуззот Ҳамадоний, Ибн Арабий (ваф. 1200 й.), Садриддин Кўнявий (ваф. 1273 й.), Жалолiddин Румий (ваф. 1273 й.), Азизиддин Насафий (ваф. 1300 й.), Ҳожи Бектош Валий (ваф. 1271 й.), Юнус Эмро (ваф. 1321 й.) каби ирфонхон мансуб бўлиб, бу йўналишда руҳий билиш ва маънавий юксалиш, ахлоқий поклик масалаларига эътибор қаратилган [4.7.], фалсафий-ирфоний атамалар, руҳ билан табиат орасидаги зиддиятлар, мушқда ва руҳият муносабатлари, инсон ақл -заковати, ҳикмат-хислатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Ирфон диний-фалсафий тушунча сифатида орифнинг заву шавк, шу худ (Ҳакни қалб кўзи билан кўриш, Ҳақ билан Ҳакни кўриш) воситасида Аллоҳ ва Унинг моҳиятини ҳис этишидир [5.368.].

Ирфон илоҳий воқелик (Аллоҳ) билан бевосита алоқада бўлиш, Аллоҳни Унинг илми билан билиш ва Унинг маърифати билан англашнинг ифодаладиган диний-фалсафий истилоҳ (тушунча)дир. Инсон руҳи илоҳий моҳият билан бевосита боғланиб, унда яшайди. Бу жараёнда онг иштирок этмайди. Бунинг сабаби шундаки, англамаган ҳолат учун далил -исбот фойда бермайди. Илоҳий моҳиятни англаш борлиқни турли шакл (тасвир, образ, символ, модел, рамз, белги, тимсол, ғоя, ҳиссий инъикос, тушунча орқали)да ўзлаштириш концепциясини инкор этади.

Ирфоний билимлар ривожда борлиқ ҳақидаги қарашлар икки кўринишга эга бўлиб, биринчиси, “вахдати шухуд”, яъни идеал (Аллоҳ) бу оламда ўзининг белги (шухуд)сини намоён қилади. Борлиқни ана шу белгилар асосида билиш мумкин, инсон вужудида Унинг мукаммаллик белгиси бор. Инсон вужудида ўрганиш билан Борлиқни (вахдат)ни тасаввур қилиш мумкин. Бундай қараш Шайх Абу Бакр Колободий, Юсуф Хос Ҳожиб, Азизиддин Насафий асарларида акс этган [6.76.]. Иккинчиси, “вахдат ул-вужуд” деб аталиб, унга кўра, бутун Борлиқ Идеал (Аллоҳ)нинг вужудидан иборат. Унинг файзу таровати борлиқни ҳаракатлантириб туради [7.15.]. Бу каби қараш Хожа Аҳмад Яссавий, Сул аймон Боқирғоний, Ибн Арабий, Шайх Нажмиддин Кубро қарашларида мужассамдир.

Руҳий (иррационал) йўналишда борлиқ ва оламни билишда руҳий тасаввур ва ҳис-туйғуга асослангани учун “ирфон” деб аталган. Ирфон ақл билан англаб бўлмайдиган (иррационал), қалб, у чинчи кўз, ботиний ҳол орқали ҳосил бўладиган билим [8.11.] бўлиб, “маърифат”, “ҳикмат”, “ладун илми”, “сир-асрор илми”, “маҳвиба илми”, “фаросат илми”, “мукошафа илми”, “хузур илми”, “ғайб илми” деб ҳам аталган.

Ирфоний билимлар маъзани Аллоҳнинг зоти, ф ёли, исмлари ва сифатларини ишроқ (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ташкил этади. Эронлик олим Эҳсон Табарий ирфон истилоҳини илоҳий билимлардан бири сифатида “инсоннинг ўз нафсини поклаши, риёзат чекиши, ибодатлиши, зикр қилиши, хилватда ўтириши ва жазабага берилиши билан сайру сулук босқичидан ўтиб, Аллоҳ ва табиат ортидаги кучлар билан алоқа ўрнатиш ва шу йўсинда унинг қалби илҳом ва “ишроқ” манбаига айлангандан кейин қатъий ва шубҳасиз ҳақиқатга эришишидан иборат”лигини қайд этган [9.12.].

Ирфоний билимлар мазмуни акс этган адабиётларда ирфон илмига берилган иккита бир хил таъриф учрамаса ҳам, умумий шаклда, мазмунан ва моҳиятан бирдай тушунтирилган. Шарқ фалсафасининг муҳим таркибий қисми бўлган тасаввуф ва ирфон истилоҳи бир-бирига яқин бўлгани учун кўпинча бир маънода ҳам истифода этилади. Фикримизча, тасаввуф ирфонга нисбатан умумий тушунча бўлиб, кўлами кенгдир. Бир киши

сўфий бўлиб, ориф бўлмаслиги мумкин. Бир киши таржатга кириб, ирфондан бахра олмаслиги мумкин. Ориф истилоҳи сўфий истилоҳига нисбатан юксакроқ, олий даражадаги маънода қўлланилади, яъни ориф Аллоҳнинг шухуд, асмо ва сифатларини идрок этган, абстракт (мавҳум) борлигидан кечиб, Ҳақ борлиги билан бор бўлган кишидир. Ориф ирфон соҳиби, ҳақшуносдир. Демак, ирфон илми тасаввуфнинг илмий ва эъний томонини ифодаласа, тасавуф ва тариқат ирфон илмининг амалий томонидир.

Ислом маданияти тарихида ўз ўрнига эга бўлган фақиҳлар, мутакаллимлар, ҳадислар, файласуфлар, алломалар, ижод али ўртасида муҳим фарқ бор, яъни улар алоҳида маданий қатлам сифатида қаралмайди. Ирфон илми туфайли ҳаётбахш кадриятлар ҳамда илоҳий маърифатдан насибадор бўлган ориф ва валий зотлар кашф этган маънавий сарчашмалар дунё юзини кўрди.

Ирфоний билимлар орифгалб (кўнгил), фаросат, басират (ботиний нигоҳ), илҳом, кашф орқали тўғридан-тўғри Аллоҳнинг даргоҳидан берилган. Қалб инсоннинг тасаввур олами, тахайюли, ҳис-туйғулари, тазаккури, фикратини қамраб олган бўлса, ориф ирфоний маъноларни фаросат орқали фаҳмлаган. Басират ғайбни кўриш, руҳнинг илоҳий қувват билан англаб тафаккур этиш бўлса, ориф “важд” ҳолатида ўз (ички) оламига кириб, унда тасаввур ва образлар орқали ботиний билимларга эга бўлган, илоҳий ҳақиқатни мантикий далилларсиз англаган.

Ирфон илоҳий маърифат илми бўла, ирфон аҳлининг асл мақсади Аллоҳни билиш, таниш, англаш ва севиш, илоҳий ҳақиқатга эришишдири, руҳий хуррият (озодлик) ориф экзистенциал борлигини ўзгартиришга қодир. Ҳар қандай тортишув, динлараро келишмаслик, мазҳаблараро зиддиятлар, мутаассиблик, айирмачилик, миллий ва этник низолар, қавмлараро курашлар, тоқатсизлик, келиша олмаслик каби негатив кайфият ўрнига толерантлик (барикенглик), сабр -тоқат, келишувчанлик, уйғунлик (гармония), муросасозлик, тинчлик, хотиржамлик, ботиний яшариш каби қорғий ҳолат ижтимоий жараёнлар детерминациясини вужудга келтиради.

Ирфон илми ўз тарихи эга бўлган, лекин ҳозирги жамиятга тўла қўллаш мумкин бўлган трансцендентал (азалдан берилган) фалсафадир. Ирфон илоҳий маърифат илми бўлса, ирфон аҳлининг мақсади илоҳий ҳақиқатга эришишдир. Ирфон илми ҳақидаги диний -фалсафий концепцияни ретроспектив (ўтмишга алқадор) кетма-кетликда умумлаштириб, инсонни Худо, борқинсон, ҳаёт, руҳ, табиат, ўтмиш, бугун, келажак, мазмун, шакл, маъно, маънавият ҳақида тафаккур қилиш, оламни ақлан ва қалбан идрок этишга ундайдиган умумбашарий кадрият деб айтиш ўринли. Ирфон илмини бир давлат ёки бир тариқат ёки шайх ёки ориф шахси билан унинг маънавиятини тўлиқ баён қилиб бўлмаслиги, ирфон илми умумбашарий кадрият экани, ирфон нафақат ислом дунёсининг барча диёрлари, шунингдек, ноосфера (ақл-идрок олами)ни гўзал ахлоқ, маънавий кадрият, поклик ва ирфоний адабиёт билан қамраб олиши, орифона асарлар асрлар оша башариятнинг маънавий мулки бўлиб, келажак авлод учун ҳам юксак маънавий кадрият бўлиши англашилади.

Хулоса (Conclusion). Ирфон илмини ночизкли тафаккур асосида қайта таҳлил қилишдан ҳосил бўлган аксиома (ҳақиқат) шуки, ирфон илми жамият келажаги, ижтимоий барқарорлиги, ҳозирги даврдаги мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ҳал этишда беистисно “қалит” вазифасини ўтайди. Ирфон илми фалсафий, маънавий, маърифий, ахлоқий барҳаёт ғоялари билан бугунги кун фалсафий ва илмий дунёқараши, тафаккур тарзини ўзгартиришга қўмак бера олади. Тақдир таъсир (хатти -ҳаракат) ички тузилиш (ахлоқ)га мос келган ҳолда жонли тизим (инсон) ички тузилиши (камолот)ни фаоллаштиради. Натижада синергетик таъсир вужудга келади, яъни ички хусусият (маънавият)ларга мос келган тақдир таъсир (ахлоқий поклик) позитив таъсирни ижобий ва зарурий йўналишга қуйидагича йўналтиради

Таклифлар (Recommendations). Ирфон илмининг маънавияти дунёвий ва илоҳий илмлар билан бирга фалсафа ва ҳикматни қамраб олиши, рационал ва иррационал билиш усуллари детерминик боғланиши, илоҳий маърифат ахлоқий поклик, риёзат билан узвийлиги, инсон зоҳири ва ботинини поклаш орқали ахлоқий фазилат эгаси бўлиши, илҳом, кашф орқали илм -маърифат, ирфоний файзга эришишида акс этади. Бунинг замирида гуманистик универсал ахлоқий кадрият, эз гу мақсад мужассамдир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, барқарор авлод тарбиясида, эркин, фаровонқарорлик жамиятини шакллантиришда, жамият маънавий - маърифий камолотида ирфоний асарларнинг ўзини алқидида эътироф этиш ўринли. Зеро, уларда кўтарилган масалалар асрлар оша ўз қимматини йўқотмаган, бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Ирфоний асарларни дунё кутубхоналаридаги факсимилеларини юртимизга олиб келиш ҳамда Имом Бухорий халқаро маркази, Имом Термизий, Имом Мотирудий, Ўзбекистонда ислом цивилизацияси марказлари билан ҳамкорликда мазкур асарларни таржима қилиш, шарҳлаш ва халқ маънавий эҳтиёжини қондириш бугуннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965; Кныш А.Д. Мусулманский мистицизм. – М.: Наука, 1992; Nikolson R. Sufis. Encuclopaedia of Religion and Ethics. Vol. 12. Edinburgh – New York, 1954;

- Studies in Islamic Mysticism. Cambridge, 1967; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV вв. Курс лекций. – Ленинград.: ЛГУ, 1966; Massignon. Essai sur les origines du lexique technique de la mystique of Islam. London, 1914; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе / Пер. с английского А.Ставиской. Под ред. и с пред. О.Ф.Акимовской. – М.: Наука, 1989; Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987; Радтке Б. Теологи и мистики в Хорасане и Трансоксаниии. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). – Санкт Петербург.: 2001. Al-Hakim at-Termidi. Freiburg, 1980; Arberry A. Arberry of Katalogie of the arabik MSS in th litrariy of th India Office 2 / Sufism and ethics. 1936. p. 97-98; Golpınarlı A. Mevlana. Hayati, sanati, eserleri. – Istanbul.: 1954; Гулпинорли Абдулбоқи. Мавлоно Жалолиддин. – Истанбул.: 1985; Аҳмад Афлокий. Маноқиб ул-орифин. Ж.1. – Истанбул.: 1989; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан / Сўзбоши муал. ва масъул мух. С.Рафиъдин. – Т.: Истиклол, 1999; Зарринқўб А. Арзиши мероси суфия. – Техрон.: 1344/1967; Унинг ўзи: Жўстўжу дар тасаввуфи Ирфон. Душанбе.: Ирфон, 1992; Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе.: Дониш, 1990; Смирнов А.В. Три решения проблемы трансцендентности и имманентности божественной сущности в философии Ибн Араби. Рационалистическая традиция и современность. Ближний и Средний Восток. – М.: 1990. 15-бет; Фролова Е.А. Проблемы веры и знания в арабской философии. – М.: 1983; Хисматулин А.А. Суфизм. Издательский Дом Азбука-классика; Петербургское Востоковедение, 2008; Муминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. – Т.: Фан, 1957; Болтаев М. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. – Душанбе.: Ирфон, 1966; Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда мадания тараққий. – Т.: Фан, 1994; Алмулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. – Т.: 1992; Носиров Р. Проблема познания реднеквековой Средней Азии (IX-XII вв.): Автореф. дис. ... докт. филос. наук. – Т.: 1990; Тўраев Б. Предвидение как форма научного познания. – Т.: 1985; Вақт муаммолари. – Т.: Ўзбекистон, 1986; Пространство. Время. Развитие. – Т.: 1992; Назаров Қ. Миллий истиклол ғоясининг асосий мақсад ва вазибалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. Мадаева Ш. Специфика формирования демократического мировоззрения в узбекском менталитете. Автореф. дис. ... док. филос. наук. – Т.: 2009; Комилов Н. Нажмиддин Кубро. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995; Унинг ўзи: Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996; Унинг ўзи: Тасаввуф. Иккинчи китоб. Ҳақ асрори. – Т.: Ўзбекистон ва Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999; Унинг ўзи: Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005; Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанднинг билишга оид қарашлари. – Бухоро, 1997; Наврўзова Г.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Г.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.) Автореф. дис. ... док. филос. наук. – Т.: 1993; Шарипова О. Абдухалиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфий таълимотида олам ва борлиқ масалалари. Фалс. фан. номз. диссер. автореферати. – Т.: 2002; Холмўминов Ж. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари (“Шарҳи рубоий” асари асосида): Фал. фан. ном. дис. ... автореф. – Т.: 2003; Юнусова Г. Қодирия таълимоти ва унинг ижтимоий-ахлоқий моҳияти. Фалс. фан. номз. дисс. автореферати. – Т.: 2007; Намозов Б.Б. Мухаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари. Фал. фан. док. дис. ... автореф. – Т.: 2021; Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: 2003; Тасаввуф сирру асрори // Мулоқот, 1998. № 8. 32-35-бетлар.
2. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. – М.: Наука, 1960. 13-бет.
 3. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда мадания тараққий. – Т.: Фан, 1994. 22-бет.
 4. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. 7-бет.
 5. Зарринқўб А. Жўстўжу дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе.: Ирфон, 1992. 368-бет.
 6. Комилов Н. Тасаввуф. II-китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. 76-бет.
 7. Смирнов А.В. Три решения проблемы трансцендентности и имманентности божественной сущности в философии Ибн Араби. 15-бет.
 8. Доктор Али Асғар Жалий. Ирфон асослари ва орифлар. Форс тилида. – Техрон.: 1376/1956. 11-бет.
 9. Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. 12-бет.
 10. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. 84-бет.

Ирфания билимининг раўажланыуының өзгеше аспектлери
Исакова З.Р. Наманган мамлекетлик университети

Аннотация. Орта асирлер шығыс философиясының реншилмеген тәреплери, шешилмеген жуўмақларының биримазмуны хәм көлеми жағынан улкен болған Шығыс философиясының раўажланыуында ирфониялық билимлердиң орнымәселеси айрықша орын тутады. Мқалада суфизм тәлийматының қурам бөлеги болған ирфониялық билимлердин өзине тәнлиги ирфон топарының болмыс, билиў, кәмил этика, мәнеўият, социаллық раўажланыў, шәрият, тарикат, мәрифат, ҳақыйкат, сабыр, разылық пикирлеў, муҳаббат ҳаққындағы қараслары менен байланыслы ҳалда ашып берилген.

Ачык сөздөр: ирфан, Аллах, ариф, илм, агартуу, ақылмандық, ирфандық билим, абал, статус, с үйүү.

ИРФОНИЙ БИЛИМЛАР РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Исакова Замирахон Рухитдиновна, фалсафа фанлари номзоди, доцент
Наманган давлат университети

Аннотация. Ўрта асрлар Шарқ фалсафасининг ўрганилмаган томонлари, ечимини топмаган жумбоқли муаммоларидан бири мазмуни ва қўлами жиҳатидан сермахсул бўлган Шарқ фалсафий тафаккури ривожда ирфоний билимларнинг ўрни масаласидир. Мақолада тасаввуф таълимотининг таркибий қисми бўлган ирфоний билимларнинг ўзига хос жиҳатлари ирфон аҳлининг борлиқ, билиш, комил ахлоқ, маънавият, ижтимоий ривожланиш, шариат, тарқат, маърифат, ҳақиқат, сабр, ризо, фақр, мушоҳада, мужоҳада, илоҳий робита, ишқ-муҳаббат ҳақидаги қарашлари билан боғланган ҳолда очиб берилган.

Калим сўзлар: ирфон, Аллоҳ, ориф, илм, маърифат, ҳикмат, ирфоний билимлар, ҳол, мақом, ишқ.

ИНТРОВЕРТИВНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ЗНАНИЙ ИРФАН

Исакова Замирахон Рухитдиновна, кандидат философских наук, доцент
Наманганский государственный университет

Аннотация. Один из продуктивной по содержанию и размаху, неисследованных аспектов средневековой восточной философии, одна из неразрешенных загадок это вопрос о роли суфийского знания в развитии философской мысли Востока, В статье раскрываются особенности мистического знания, которое является неотъемлемой частью суфийских учений, в связи с его взглядами касающиеся существования, знания, совершенной морали, духовности, социального развития, шариата, тариката, маърифата, хакиката, терпения, согласия, факра, наблюдение, муджахеды, божественная связь, любовь.

Ключевые слова: ирфан, Аллах, ариф, илм, маърифат, хикмат, ирфан знание, хал, маком, ишқ.

INTERVENTIVE ASPECTS OF KNOWLEDGE DEVELOPMENT IRFAN

Isakova Zamirakhon Rukhitdinovna, Candidate of Philosophy, Associate Professor Namangan State University

Annotation. One of the most productive in terms of content and scope, unexplored aspects of medieval Eastern philosophy, one of the unresolved mysteries is the question of the role of Sufi knowledge in the development of the philosophical thought of the East. existence, knowledge, perfect morality, spirituality, social development, sharia, tarikat, ma'rifat, haqiqat, patience, consent, fakr, observation, mujahideen, divine connection, love.

Key words: irfan, Allah, arif, ilm, marifat, hikmat, irfan knowledge, khal, makom, ishq.

СО Д Е Р Ж А Н И Е

ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ ДҮЗИЛГЕНИНЕ 45 ЖЫЛ

Реймов А.М. Уллы илим дәрғайы	4
Айтмуратов Ж, Хәкимниязов Ж, Айтмуратова Ж. Ж. Қарақалпақ Мәмлекетлик Университетиниң ашылыуы ғәрәзсизлик жолындағы қутлы кәдем	9

Е С Т Е С Т В Е Н Н Ы Е И Т Е Х Н И Ч Е С К И Е Н А У К И

МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА.
ТЕХНИКА.

Juzbaev N. O. Matematikalıq logikadaǵı aytımlar algebrasınıń texnikalıq qurılmalarda qollanıwları	16
---	----

ЭКОНОМИКА. ФИНАНС.

Бозоров Б. У., Тухлиев Б. М. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш шароитида ёшлар бандлигини оширишнинг назарий асослари	24
Жузбаев А. О. Кичик бизнес корхоналарида молиявий фаолиятдан олинандиган даромадни оширишнинг аҳамияти	30
Сеилбеков Б. Б., Сеилбеков Б. Б. фермер хожалықлары хәм басқа хожалық субъектлери ортасындағы экономикалық қатнасықларды жетилистириў мәселелери	38
Джумабаева Ш. Х. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини иқтисодий районларға ажратиш ва улар ривожланишининг асосий йўналишлари	44

ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ.
ПСИХОЛОГИЯ

Хакимов Ғ. Қ. Олий таълим тизими фаолиятини ташкил этишда уни бағариш самарадорлигини баҳолаш	53
Ходжаева Г. А., Жиенмуратова Г.Ө. География пәни сабақларында аўызекки методтан пайдаланыўдың аҳмийети	59
O'rozboyev N. U. Bo'lajak o'qituvchılarda mas'uliyatlılıknı rıvojlantırırshning psixologik-pedagogik shartları	64
Utegenov J.J., Turdimuratov J.A. Student-jaslardıń ruхıy hám dene mádeniyatın rawajlandırırw máseleleri	70
Шерматов Ф. Т. Хәрбий хизматчилардаги касбий зўриқишларнинг психологик тахлили ва унинг назарий ва амалий аҳамияти	78

ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

Танирбергенов С. Б. Конституционные основы развития экологического законодательства Республики Карақалпақстан	84
Прекеева А. Ферғаналы қарақалпақлардың үрп-әдет дәстүрлери	90
Матирзаев У.С. Қорақалпоғистон Республикаси жўрғи кенгеси депутаты - вакиллик орган аъзоси	97
Джумашев А., Сайманов С. Приговор приведен в исполнение за 15 минут	105
Қайыпова Ф.Ж. Дәслепки илимий журналдың шөлкемлестирилиўи	110
Утепбергенов Ф. Ж. История археологического изучения древних ираннесредневековых памятников Приаральской дельты Амударьи	119
Сейдабуллаева Н.Т. Сиёсий коммуникацияга оид илмий-назарий ёндошувлар	125
Исакова З. Р. Ирфоний билимлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари	130

ФИЛОЛОГИЯ. ЖУРНАЛИСТИКА.

Алламуратов Н.Е. И. Юсупов шығармаларында қолланылған юридикалық терминлер	135
Кенжаев Т.А. Fitrat dramaları poetikasi tadqiqi	138
Мамбетирзаева Н. М. Асқад Мухтор публицистикаси	145
Матимов Қ. Г. XIX әсир қарақалпақ әдебиятында импровизация дәстүри (Күнхожа, Әжинияз хәм	

Бердақ дәретиўшилиги мысалында)	151
Ali Kaljanov. On the state of the problem of homonyms in the modern karakalpak language	157
Қазымбетова З. М. Ж. Избасқанов шығармаларында риторикалық сораў гәплердиң қолланылыўы	163
Айтмуратов А. Sanlı texnologiyalıq terminlerdiñ qaraqalpaq tilinde júritiliwi	171
Абишов Г. М. Қарақалпақстан оронимлериниң лексика-семантикалық өзгешелиги бойынша түрлери	174